

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ**



**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИ ТАЙЁРЛАШ  
БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ - 2017**

**Давлетов И.Х., Гимуш Р.И. Битирув малакавий ишини тайёрлаш бўйича услубий қўлланма.- Тошкент: ТАҚИ, 2017. – 18 б.**

Ушбу услубий қўлланмада битирув малакавий ишининг мақсади, вазифалари, мавзуси, уни бажаришга бўлган талаблар, бажариш тартиби, таркибий тузилиши, аннотация, тақриз ва тавсифномани тайёрлаш ва ишни ҳимоя қилиш тартиби келтирилган.

Қўлланма 5610100 - “Хизматлар соҳаси (уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар)” ва 5111000 - Касб таълими(5610100 –“Хизматлар соҳаси (уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар))” таълим йўналишлари битирувчилари учун тавсия этилади

### **Тақризчилар:**

Мухамадалиев А.У. – “Уйжойкомхизмат” вазирлиги бўлим бошлиғи;

Касимова С.Т. - ТАҚИ “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги”  
кафедраси доценти, т.ф.н.

### **Услубий қўлланма:**

“Менежмент” кафедрасининг 2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ги мажлисида кўриб чиқилган ва маъқулланган( \_\_-сон мажлис баённомаси);

Қурилишни бошқариш факультети услубий Кенгашининг 2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган ( \_\_-сонли баённома);

Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия этилган (2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ -сонли баённома).

## I. Умумий қоидалар

Битирув малакавий иши (кейинги ўринларда БМИ) - олий ўқув юрти бакалаврият талабаларининг тўртинчи ўқув йили 8 - семестрида бажарадиган ўқув – малакавий мустақил иши бўлиб, ўқиш давомида олган билимларини синовдан ўтказишнинг якуний босқичидир.

Якуний давлат аттестациясидан мувофақиятли ўтган ва БМИни ҳимоя қилган талабаларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, тегишли касбий ёки академик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган “Бакалавр” диплом топширилади.

## II. БМИнинг мақсади ва вазифалари

БМИни бажариш мақсади:

таълим йўналиши бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

ижодий ишлаш, кўриб чиқиладиган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган маъсулиятни ҳис этиш қобилиятини шакллантириш;

замонавий ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёрликлигини таъминлашдир.

## III. БМИга қўйиладиган асосий талаблар

БМИ талаба томонидан бажарилган мустақил изланиш бўлиб, у таълим йўналишига тегишли аниқ бир ташкилий-иқтисодий ва технологик муаммони ўрганишга бағишланади. Талабаларнинг танланган мавзуларига асосан **кафедранинг илмий тадқиқот мавзулари доирасида, коммунал хўжалиги соҳасида уй-жой фондларидан фойдаланишни ташкил этиш ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муаммолари** таркибига кирувчи масаланинг ечимини топишга бағишланади. БМИда талаба назарий-фундаментал билимларга таянган ҳолда **аҳолига уй-жой, коммунал-маиший хизматлар кўрсатиш** билан боғлиқ амалдаги мавжуд муаммоларини аниқлайди, таҳлил қилади ва тадқиқотларга таянган ҳолда муаммони ҳал қилишга қаратилган асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқади.

БМИнинг мазмуни битирувчининг мустақил фикрлаши ва етуқлиги ҳақида гувоҳлик бериши, ўз таълим соҳаси юзасидан **уй-жой, коммунал-маиший**

**хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ** ташкилий - иқтисодий ҳамда технологик муаммоларини назарий талқин қила олиши ва уни ечиш учун муайян усулларни қўллаш қобилиятига эга эканлигини кўрсатиши керак. БМИ танланган йўналишга тааллуқли янги адабиётлардан ва мавжуд амалий материаллардан фойдаланган ҳолда бажарилиши зарур.

Бундан ташқари, БМИ қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- умумназарий ва таълим йўналиш бўйича битирувчининг билим даражасини ифодалаши;
- битирувчининг олган назарий билимларини амалиётга қўллай олиши;
- битирувчининг Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, тармоқ амалиётида фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар билан ишлаши шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва техник воситаларидан самарали фойдалана олиши;
- ишни қўлёзма шаклида содда, тушунарли қилиб ёзиши ва ўз мустақил фикрини ифода қила олиши;
- танланган мавзу бўйича тўпланган маълумотларни тартибга сола олиши, мақсадли таҳлил қила олиши, уларни мустақил умумлаштира билиши, маълум иқтисодий усуллар асосида қайта ишлаши, асосли хулоса чиқара олиши ва ўрганилган муаммони ҳал қилиш бўйича амалий таклифлар бера олиши лозим.

#### **IV. БМИнинг мавзуси**

БМИнинг мавзуси кафедранинг ихтисослашувига мос: уй-жой, коммунал-маиший хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ корхона ва ташкилотлар муаммоларига, жумладан коммунал хизматларни ташкил этиш ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимида ўз ечимини кутаётган долзарб масалаларни ўрганишга ва унинг асосланган ечимини топишга ва улар юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган бўлади.

БМИларнинг намунавий мавзулари кафедра етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан кафедранинг илмий тадқиқот мавзулари негизида тузилиб, уларда уй-жой коммунал хўжалиги тизими ва қурилиш соҳасининг долзарб масалаларини, кафедрадаги илмий-тадқиқот мавзулари бўйича муаммоларни, буюртмачи корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-иқтисодий ва техник-технологик муаммоларини ўрганиш кўзда тутилади. Намунавий мавзулар кафедра йиғилишида муҳокама қилинади, коммунал хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган йирик корхоналар ёки бирлашмалар билан келишувдан ўтказилади.

БМИ мавзусини ўқув дастурларига ва амалиётда ўзлаштирилган материалларга мувофиқ режалаштириш уни тайёрлаш жараёнини маълум даражада энгиллаштиради.

## **V. БМИнинг мавзусини танлаш**

БМИ намунавий мавзулари талабаларининг тўртинчи ўқув йили бошида эълон қилинади. Битирувчи курс талабаларига БМИнинг тасдиқланган намунавий мавзулари таркибидан мавзу танлаш имкони берилади. Мавзуни танлаганлиги тўғрисида талаба кафедра мудирини номига (мавзунинг номини тўлиқ кўрсатилган ҳолда) ариза ёзади. Бир мавзу икки ва ундан ортиқ талабалар томонидан танланган бўлса, кафедра томонидан мазкур талабаларнинг рейтинг баллари ва малакавий амалиёт ўтган корхоналарининг мавзуга боғлиқлигидан келиб чиқиб хулоса чиқарилади ва мавзу тайинланмаган талабаларга мавзуларини қайта танлаш ҳуқуқи берилади. Талабанинг ўқиши учун тўлов-контракт маблағини тўловчи “буюртмачи” ташкилотлар битирувчиларнинг малакавий ишлари мавзулари бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин. Бунда “буюртмачи” корхона томонидан институт раҳбариятига таклиф этилаётган мавзуни ўрганиш учун асос бўлувчи ҳолат ёритилган хат билан муружат қилинади.

Битирувчи курс талабаларининг БМИ мавзулари ўқув йилининг биринчи ярмида институт ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Ўқув йили давомида буйруқ билан талабаларга бириктирилган БМИ мавзуларининг ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

## **VI. БМИни тайёрлашга раҳбарлик қилиш**

БМИни тайёрлаш жараёнида битирувчига кафедранинг профессор-ўқитувчилари таркибидан раҳбар тайинланади. Шунингдек, зарур ҳолларда тармоқ корхона ва муассасаларининг етакчи мутахассислари таркибидан маслаҳатчи тайинланиши мумкин.

Ўқув йилининг бошида битирувчи курс талабаларига танлаган БМИ мавзуларидан келиб чиққан ҳолда кафедра профессор-ўқитувчилари таркибидан раҳбар танлаш имконияти берилади. Бир профессор-ўқитувчини ўқув юкмасида белгиланган кўрсаткичлардан ортиқ талабалар танланган бўлса, кафедра томонидан ушбу ўқитувчини танлаган талабаларнинг БМИ мавзулари ва устоз-шогирд тизими асосида мазкур ўқитувчи билан олдиндан ишлаб келганликларини инобатга олиб хулоса чиқарилади ва раҳбар

тайинланмаган талабаларга бошқа профессор ўқитувчилар раҳбар қилиб тайинланади.

Шунингдек, талабага БМИ мавзусидан келиб чиқиб, 2-3 курсларда малакавий амалиёт ўтган корхонанинг етакчи мутахассислари таркибидан БМИни тайёрлаш бўйича амалий маслаҳатчи тайинланиши мумкин.

БМИ раҳбари ишнинг мавзусига мувофиқ талабага тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради. Топшириқ ўрнатилган шаклда расмийлаштирилади (2-илова). Топшириқ малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

Раҳбар танланган мавзу бўйича БМИни тайёрлаш жараёнида:

- БМИни тайёрлаш бўйича топшириқ беради (мавзуни тайинлаш тўғрисида буйруқ чиққан кундан бошлаб бир ҳафтадан кечиктирмай);

- малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини битирувчи билан биргаликда режалаштиради (ўн кун давомида);

- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбааларни тавсия этади;

- талабалар билан мунтазам равишда консултациялар ўтказади (камида ҳафтасига тўрт соат);

- малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади;

Малакавий ишнинг бўлимлари (лойиҳа конструкторлик, техник чизма ва бошқа) бўйича маслаҳатчилар этиб, институтнинг тегишли кафедралари профессорлари ва доцентлари, катта ўқитувчилар ҳамда таянч муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари тайинланиши мумкин. Маслаҳатчи талабага БМИнинг тегишли қисми бўйича маслаҳат беради ва сифатини текширади.

Кафедра талабаларни БМИни бажариш бўйича услубий қўлланмалар билан таъминлайди.

## **VII. БМИни тайёрлаш тартиби**

БМИни тайёрлаш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- мавзуни танлаш;

- БМИни бажариш бўйича БМИ раҳбаридан топшириқ олиш;

- битирув олди ишлаб-чиқариш амалиётини ўтиш ва БМИ мавзуси бўйича керакли маълумотларни тўплаш;

- назарий-илмий манбаларни ўрганиш (шу жумладан ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш) ва статистик маълумотларни тўплаш;

- тўпланган маълумотларни дастлабки қайта ишлаш ва БМИ режасига мувофиқ гуруҳлаш;
- БМИни (кириш, асосий қисм, хулоса қисми, лойиҳа ва чизмаларни тайёрлаш босқичма-босқич амалга оширилади) тайёрлаш;
- БМИ раҳбари тавсифномасини олиш;
- БМИни дастлабки ҳимоя учун кафедрага тақдим этиш;
- Битирув олди амалиёти ўтилган корхона ва ташкилотдан ташқи тақриз олиш.

БМИтопшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

БМИ матни (ёзма қисми) нинг мазмуни қисқа ва тушунарли шаклда ифодаланиши лозим. Тушунтириш қисми матнига тегишли ҳисоб-китоблар, графиклар, диаграммалар, расмлар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарур ҳолларда қўшимча ахборот ёзилган дискетлар илова этилиши мумкин.

Тушунтириш қисми матни қўлёзма шаклида ёки ўрнатилган тартибда компьютердан фойдаланиб расмийлаштирилиши керак. БМИ компьютерда Microsoft Word матни, Times New Roman 14 шрифтда, 1,5 қатор оралиғида ёзилади ва А4 стандарт оқ қоғозда чоп этилади. БМИ бетларида матннинг чап томони 2,5-3 см, юқори ва паст томонлари- 2 см, ўнг томони - 1,5-2 см бўлади. Хатбоши беш ёки олти белгига тенг ва бир хил бўлиши талаб қилинади. Тушунтириш қисмининг ҳажми компьютерда ёзилганда камида 10-15 минг сўздан иборат бўлиши (60-80 бет) ҳамда БМИ қўлёзма шаклида бўлганда эса 90-120 бет бўлиши белгиланади.

БМИда ишчи чизмалар талаб қилинган ҳолатда, уларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги талабларга қатъий мувофиқ бўлиши зарур. Одатда, чизмалар А1 форматли қоғозда (камида 2 тада) бажарилади. БМИнинг ишчи чизмалар қисми иш раҳбари ва тегишли бўлим бўйича маслаҳатчи томонидан белгиланган камида 2 та А-1 форматдаги ватман қоғозда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган чизмалардан иборат бўлади.

Талабадан БМИ бўйича 10 минутлик тақдимот тайёрланиши ва уни ўрнатилган тартибда ДАК ҳузурида ҳимоя қилиш талаб қилинади (“Power Point” дастурида камида 10-15та слайдлар экранда намоиш этилади).

Кафедранинг тавсиясига биноан малакавий иш чет тилларнинг бирида бажарилиши мумкин. Чет тилида бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

### **VIII. БМИнинг тузилиши ва таркиби**

БМИнинг китоб қисми қуйидаги таркибда бўлади:  
Титул варағи (1-илова);

БМИ бажариш топшириғи (2-илова);  
Мундарижа;  
Кириш;  
Асосий қисм боблари (2-3 боб);  
Хулоса;  
Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхати;  
Иловалар.

*Мундарижада* кириш, боблар ва уларга тегишли параграфлар номлари, хулоса, иловалар ва уларнинг бошланиш бетлари рақами кўрсатилади.

*Кириш* қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, БМИнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот предмети, тадқиқот объекти, амалий аҳамияти, БМИнинг тузилиши ёритилади.

БМИ мавзусининг долзарблиги деганда мавзунинг **коммунал хўжалиги соҳасида уй-жой фондларидан фойдаланишни ташкил этиш ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ долзарб** муаммоларини ҳал қилишдаги аҳамияти тушунилади. Ишда мавзунинг **муаммони ҳал қилишдаги** назарий аҳамияти ёритилади. Мавзунинг амалий аҳамиятини ишда олинган натижаларини уй-жой, коммунал-маиший хизматлар соҳасига амалиётга жорий этиш провардида эришилиши мумкин бўлган иқтисодий самарадорлик кўрсатади.

БМИнинг мақсади деганда мавжуд муаммонинг ҳал қилиниши учун амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилиши лозим бўлган таклиф-тавсиялар тушунилади.

Кўзда тутилган мақсадга олиб келувчи тадқиқот босқичлари – аниқ вазифалар ишни бажариш жараёнида унинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаши зарур. Тадқиқот вазифалари шундай қўйилиши керакки, бир вазифанинг ечими олдинги вазифа натижаларидан келиб чиқмоғи лозим.

Тадқиқот объекти - бу тадқиқот ўтказилаётган уй-жой, коммунал хўжалиги корхоналари ва ижтимоий соҳага хизмат қилувчи объектлар, уларнинг бўлими, блоки ёки муҳандислик коммуникацияси) бўлиши мумкин.

Тадқиқот предмети бу танланган объектда тадқиқ қилинаётган техник-технологик ва иқтисодий жараёнлар ва муносабатлардир.

*1-бобда* тадқиқот олиб борилган объект бўйича қисқача характеристика бериш билан бирга мавзунинг умумназарий муаммолари ёритилади. Бобда ўрганилаётган муаммонинг таҳлил қилишга асос бўлиб хизмат қилувчи назарий билимлар кенг ёритилади.

Бобда мавзуда ўрганилаётган асосий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг услубий асосини ташкил этувчи назарий ва меъёрий асослар, шунингдек, амалдаги қонунлар, низом ва қоидалар ўрганилади.

**2-бобда** БМИда ўрганилаётган уй-жой, коммунал хўжалиги объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинади, ишда қўйилган вазифа билан боғлиқ масалалар, амалиётлар жараёнида тўпланган материаллар, техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинади, таҳлил натижалари ишнинг назарий қисмида шакллантирилган махсус усулбуй билимларга асосланган ҳолда ва танланган усуллар ёрдамида ўрганилади.

**3-бобда** 1 ва 2 бобларда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили натижалари асосида мавзуда ўрганилаётган муаммони ҳал қилишга қаратилган амалий таклифлар, тадбирлар, янгиликлар, меъёрий кўрсаткичлар, илгари сўрилаётган ғоя ва фикрлар асосланади, исботланади.

**Хулоса ва таклифлар** қисмида БМИ бўйича ишлаб чиқилган хулосалар ва ўрганилган муаммони ҳал қилиш бўйича аниқ таклифлар, эришилган натижалар мужассамлаштирилади.

**Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар** рўйхатида БМИни бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, ўқув ва услубий қўлланмалар келтирилади. Адабиётлар рўйхати гуруҳларга ажратилган ҳолда алфавит тартибида 3-иловада келтирилган тартибда тузилади.

**Ишчи чизма материллар** таркибига коммунал хўжалиги корхона ва ташкилотлар ёки бошқа объектларни таснифловчи умумий сони 2 тадан кам бўлмаган А1 форматдаги ватманга жойлаштирилган лойиҳалар (чизмалар) киради. Чизмалар уй-жой бинолари ёки коммунал хўжалиги объектининг (унинг қисмларининг) амалдаги ҳолати фрагментлари ва истиқболдаги кўринишини, бино ва иншоотнинг бош режаси ёки ситуацион режасини, бинонинг деворлари жойлашуви ва такрорланмайдиган қаватлар режасини акс эттиради.

БМИда бинолар ва иншоотлар ҳамда уларга тегишли техник масалалар ўрганилмаган бўлса ишчи чизмаларни тайёрлаш талаб этилмайди.

## **IX. БМИ аннотациясини ёзиш бўйича кўрсатмалар**

Аннотация - бу БМИнинг қисқа умумлаштирилган мазмуни.

Аннотация матнининг қуйидаги кетма-кетлиги тавсия этилади:

- мавзунинг долзарблиги;
- ишнинг мақсад ва вазифалари;
- тадқиқот объекти ва предмети;
- тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи;
- ишнинг тузилиши ва таркиби;

- БМИда эришилган асосий натижалар;
- хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.

Аннотацияга қўйиладиган умумий талаблар қуйидагилар:

- БМИ мазмунини аниқ ва равшан баён этиш;
- далилларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги;
- матннинг раво ёзилганлиги, ифодаларнинг қисқа ва аниқлиги.

Аннотация А4 форматдаги оқ қоғозда ўрнатилган шаклда 1-2 бет ҳажмда тайёрланади. (4-илова)

## **Х. БМИга бериладиган тавсифнома ва тақризга қўйиладиган талаблар**

БМИга ва талабанинг малакавий маҳорати ва қобилиятига БМИ раҳбари хулосаси тавсифнома шаклида (5 илова) ва ташқи оппонент тақризи (6 илова) берилади. БМИга берилган раҳбар тавсифномасида ва ташқи оппонент тақризида қуйидагилар очиқ берилиши лозим:

- муаммонинг долзарблиги;
- муаллифнинг қўйилган мақсад ва вазифани бажарганлик даражаси;
- тадқиқот натижаларининг асосланганлиги ва ишончлилиги;
- талабанинг илмий-амалий таҳлилларни амалга оширишдаги маҳорати ва қобилияти;
- хулоса ва таклифларнинг сифати;
- БМИнинг қўйилган талабларга жавоб бериши ва тавсия этилаётган баҳо кўрсатилади.

Шунингдек, БМИ раҳбари тавсифномада талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва малакавий ишнинг бошқа ижобий томонларини тавсифлайди.

## **ХІ. БМИни ҳимоя қилиш тартиби**

Белгиланган тартибда тайёрланган ва тўла расмийлаштирилган (тегишли бўлим бўйича маслаҳатчи имзоси билан) БМИ талаба томонидан БМИ раҳбарига тақдим этилади.

Раҳбар БМИ талаб даражасида бажарилганлигини ўз имзоси билан тасдиқлаганидан сўнг, ишни ўз тавсифномаси билан бирга кафедра мудирига тақдим этади.

Кафедра мудирини тақдим этилган БМИ билан танишиб чиқиб, уни талаб даражасида бажарилганлиги тўғрисида ижобий хулосага келганидан сўнг ишни ДАКда ҳимоя қилишга тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилади. Агар кафедра мудирини БМИ ҳимояга тақдим этиш мумкин эмас деган хулосага келса, масала кафедра мажлисида, БМИ раҳбари иштирокида муҳокама этилади. Кафедра

мажлисининг хулосаси баённома кўринишида факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга тақдим этилади.

БМИнинг ҳимояси электрон тақдимот (“Power Point” дастури асосида тайёрлаган презентация) кўринишида ўтказилади. Электрон тақдимот ўрганилган мавзунинг мазмунини очиқ беришга ва БМИни ДАК олдида мувоффақиятли ҳимоя қилиши учун талабага хизмат қилади.

БМИни ҳимояси Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомида белгиланган тартибда амалга оширилади.

БМИ ДАКнинг очиқ йиғилишида ҳимоя қилинади ҳамда унда ДАК аъзоларининг 2/3 қисми қатнашиши ва уни ДАК раиси олиб бориши лозим бўлади.

БМИ ҳимояси очиқ йиғилишида, илмий-амалий мунозара шаклида, юқори талабчанлик асосида ўрнатилган меъёрларга амал қилинган ҳолда ўтказилади.

ДАК йиғилишида раис битирувчи тўғрисидаги барча маълумотларни эълон қилади ва сўзни БМИнинг мазмуни ва асосий натижалари билан таништириш мақсадида битирувчига беради. Битирувчи электрон тақдимот ёрдамида ишнинг асосий натижалари ва эришган ютуқлари тўғрисида (10 дақиқагача) маъруза қилади.

ДАК аъзолари битирувчига БМИда кўтарилган масалалар, назарий асоси, изланиш услуги ва мавзу юзасидан саволлар беради.

БМИ ҳимоясининг натижаси 100 балли рейтинг тизимида комиссия аъзоларининг келишувига асосан баҳоланади. БМИ ҳимояси натижаси шу куни эълон қилинади ва ДАК йиғилиши баённомаси расмийлаштирилади. БМИни муваффақиятли ҳимоя қилган битирувчига ДАК қарори билан тегишли таълим йўналиши бўйича Бакалавр даражаси ва Давлат намунасидаги диплом берилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ**



**«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ**

**5610100 –“Хизматлар соҳаси (уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар)”  
таълим йўналиши**

Талаба \_\_\_\_\_ НИНГ  
(фамилияси, исми ва шарифи)

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Битирув малакавий иши мавзуси: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Кафедра мудири: \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ /

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

БМИ раҳбари: \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ /

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

**ТОШКЕНТ - 2016**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ

**5610100 –“Хизматлар соҳаси (уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар)”  
таълим йўналиши**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Менежмент» кафедраси мудири

доц. Давлетов И.Х.

201\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Талаба \_\_\_\_\_ нинг  
(фамилияси, исми, шарифи)

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШ УЧУН  
ТОПШИРИҚ**

1. Ишнинг мавзуси \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ институт ректорининг  
201\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ - сон буйруғи билан тасдиқланган.

2. Бошланғич маълумотлар \_\_\_\_\_

3. Алоҳида топшириқ \_\_\_\_\_

4. Китоб (ёзма) қисмининг мазмуни \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

5. Ишчи чизмалари рўйхати \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

6. Битирув малакавий иши бўйича қўшимча маслахатчилар

Бўлимлар	Маслахатчи	Имзо ва сана	
		Топширик берилди	Топширик қабул қилинди

7. Топширик берилган сана \_\_\_\_\_

8. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Иш босқичлари	Бажариш муддати	Изох

9. Химояга тақдим этиш муддати \_\_\_\_\_

10. Битирувчи талаба \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

11. Битирув малакавий иши раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.
- II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
- III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари
- IV. Асосий адабиётлар
- V. Қўшимча адабиётлар
- VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар
- VII. Интернет сайтлари

### **Адабиётлар қуйидаги тарзда расмийлаштирилади:**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.**

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., Ўзбекистон нашриёти, 2014.

1.2. ...

#### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

2.1. Ўзбекистон Республикаси «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. 11 декабрь 2003 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сонли Фармони.

2.3. ...

#### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

3.1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллик эришиш остонасида.-Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 440 б.

3.2. ...

#### **IV. Асосий адабиётлар**

4.1. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2015. -604 б.

4.2. ...

#### **V. Қўшимча адабиётлар**

5.1. ...

5.2. ...

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

6.1. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизмати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – № 1. – Б. 57-58.

6.2. ...

## **VII. Интернет сайтлари**

7.1. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти).

7.2. ...

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ  
«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ**

**5610100 –“Хизматлар соҳаси (уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар)”**

таълим йўналиши

Талаба \_\_\_\_\_

БМИ раҳбари \_\_\_\_\_

201\_\_/201\_\_ ўқув йили

Мавзу: \_\_\_\_\_

**А Н Н О Т А Ц И Я**

- мавзунинг долзарблиги;
- ишнинг мақсади ва вазифалари;
- тадқиқот объекти ва предмети;
- тадқиқот усуллари ва услублари;
- тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи;
- иш тузилиши ва таркиби;
- бажарилган ишнинг асосий натижалари;
- хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.

БМИ раҳбари \_\_\_\_\_

Битирувчи талаба \_\_\_\_\_

201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ  
«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ**

**5610100 – “Хизматлар соҳаси (уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар)”  
таълим йўналиши**

Битирувчиси \_\_\_\_\_ НИНГ  
“ \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, шарифи)

”

мавзусидаги битирув малакавий ишига

**ТАВСИФНОМА**

Ишнинг ҳажми: Ёзма қисми \_\_\_\_\_ бет  
Намойиш-чизма қисми \_\_\_\_\_ чизма

Бажарилган ишнинг қисқача тавсифи \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Бажарилган ишнинг кафедра топшириғига мувофиқлик даражаси \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Бажарилган ишнинг камчиликлари \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Хулоса ва таклиф этилаётган баҳо \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Битирув иши раҳбари \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, шарифи)

(Иш жойи ва лавозими)

201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

(Имзо)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ  
«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ**

**5610100 – “Хизматлар соҳаси (уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар)”  
таълим йўналиши**

Битирувчиси: \_\_\_\_\_ НИНГ  
(фамилияси, исми, шарифи)

« \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

---

мавзусидаги битирув малакавий ишига

**ТАҚРИЗ**

Ишнинг ҳажми: Ёзма қисми \_\_\_\_\_ бет  
Намойиш-чизма қисми \_\_\_\_\_ чизма

Ишнинг қисқача тавсифи \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ишнинг ижобий томонлари \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Иш бўйича эътирозлар \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Хулоса ва ишнинг баҳоси \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Тақризчи \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, шарифи)

\_\_\_\_\_ (иш жойи ва лавозими)

201\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (имзо)

